

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-2, ISSUE-13 (26-December)

BOLA SHAXSINI RIVOJLANTIRISHDA TARBIYACHI PEDAGOGNING KASBIY MAHORATI VA
UNI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI.

Kattaho'jayeva Shaxlohon Bohodirovna

Maktabgacha ta'lism tashkiloti director mutahassislarini qayta tayyorlash va ularni malakasini oshirish institute "maktabgacha va musiqiy ta'lism" kafedra katta o'qituvchisi

Telefon +9989998350075

kattakhodjaeva0075@gmail.com

Ўзбекистон Республикасининг “таълим тўғрисидаги” Қонуннинг 11-моддасида “Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук мактабга ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади” деб таъкидланган. Дарҳақиқат мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш баркамол авлод таълим тарбия жараёнининг тарбиячилар томонидан тўғри ташкил этилишини таъминлашда тарбиячиларнинг касбий маҳорати хамда уларнинг малакасини ошириш жараёнини самарали ташкил этиш мухим хисобланади. Глобаллашув даврида мактабгача таълим соҳасидаги мухим вазифаларни қўйидагича талқин қилиш мумкин;

--Миллий иқтисодиёт тараққиётига мос ва тараққиётни рағбатлантирувчи даражадаги таълимни жорий этиш;

--Таълим муассасалари ва таълимий хизмат исътемолчилари ўртасидаги хамкорликни кучайтириш;

-- Исътемолчи ва таълим муассасаси ўртасидаги рақобатбардошликтини нада кучайтириш;

-- бола тарбиясига ижтимоий жамоатчиликни жалб этиш.

Юқоридаги вазифаларни хал этишда албатта миллий таълим моделининг мухим таркибий қисми бўлган педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими алоҳида ўрин тутади. Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими педагог кадрлар томонидан янги маълумотларни ўзлаштириш билим кўникма ва малакалар олишнинг бош манбаи хисобланади. Шунинг учун хам айнан мазкур тизим маълум маънода таълим тизими ходимларининг соҳада амалга оширилаётган модернизация жараёнларига тайёргарлиги учун маъсул ва шу боис унга алоҳида этибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат фикримизнинг давоми сифатида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини келтиришимиз мумкин. Мазкур стратегиянинг “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” йўналишида узлуксиз таълим тизими янада такомиллаштириш, мактабгача муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интелектуал, эстетик ва жисмоний

ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш каби вазифалар белгилаб берилган. Тезкор ривожланаётган даврда таълимни инсонпарварлаштириш педагог ва тарбиячилар олдига улкан вазифаларни юклайди, яъни улар аҳлоқий-маънавий жихатдан етук, баркамол ва инновацион ривожланган булиши талаб этилади. Жумладан фарзанд тарбияси билан купинча она шугуллангани сари тарбиячи педагогнинг хам бола тарбиясидаги вазифалари улкан, болалар хар томонлама етук, илмли хамда маънавий баркамол булиб етишларида оила мактабгача таълим ташкилоти ва ташқи мухитнинг урни бекиёсдир. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиш даражасини назорат килиш уларнинг шахс сифатида вояга этишида тарбиячи маҳоратига таянмай иложи йўк чунки болалар кўп вактларини мактабгача таълим ташкилотида уtkазишади ва асосий билим куникма малакаларини тарбияидан олишади шунинг учун тарбияидан жуда катта сабр ва педагогик маҳорат талаб килинади педагогик маҳорат ўзи нима бу саволга жавоб жуда серқирра бўлиб бунда педагоглар – моҳир, сабрли, матонатли, меҳр ва мухаббатли, алоҳида қобилиятли, креатив бир сўз билан содда қилиб айтганда болаларни севадиган инсон булишлари керак. Педагогик маҳорат хар бир шахснинг ривожланишидаги маънавий мухит унинг чўққиларни забт этиш руҳини ўзида мужассамлаштириб ўзининг “МЕН” лигини кўрсатиб инсоният кадриятидаги кучларни йиғиб ўзиниг ёлғиз эмаслигини хис қилибгина қолмасдан маънавий бой бўлишни хам таъминлайди. Хар бир таълим оловчига шахс сифатида шаклланиши учун ижтимоий-психологик шароит яратиш, ақлий ривожланишини юқори даражада таъминлаш уларда одоб-аҳлоқ сифатларини тарбиялаш ва маънавий жихатдан бойитишдан иборат. Маҳорат ва санъат педагогнинг таълим оловчини шахс сифатида хар томонлама тарбиялаш кўникмаси хисобланади. Педагогик маҳорат мураккаб жараён бўлиб таълим тизимида интегратив характерга эга хисобланади. Бунинг моҳияти шундаки авваламбор тарбиячи педагогнинг ташкилотчилиги одоби ва хулқи сўнг билим малакалари турди, хар бир тарбиячининг одоби сабри ва матонати бўлмаса у қанчалик билимли илмли бўлишига қарамай ишида юқори чўққиларни забт эта олмайди. Тарбиячининг касбий маҳоратига қараб боланинг боғчага талпиниши ўзини тутиши ва ривожланиши билим куникма малакаларни яхши ўзлаштириши мумкин. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячилар жуда хам муаммоли вазиятларга дуч келишади, бундай вазиятлардан чиқиб кетиш учун улардан жуда катта куч ва матонат талаб этилади. Бу вазиятларда хар бир тарбиячи ўзининг шахсий компитенциясига таянибгина қолмай тажриба салоҳиятига хам ишонади бунда ёш педагогларга ёрдам тариқасида тажрибали педагог ўз маслаҳатларини бериши мумкин. Кўпчилик мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячилар ташкилий ва коммуникатив фаолият жараёнида қийинчиликларга дуч келадилар. Бу эса таълим жараёнини тўғри ва самарали ташкил этишга халал беради. Тарбиячининг бундай вазиятда қийинчиликка учрашининг асосий сабаби яратувчаниккўникмасини етарли

эмаслиги хамда олдиндан машғулотни лойихалаштира олмасликдир. Тарбиячилар мунтазам равишда болалар психологияси ва мактабгача таълим соҳасига оид маълумотлардан хабардор бўлиш ва уларни амалиётгақўллаш малакасига эга бўлишлари лозим. Педагогик маҳоратнинг юзага келиш хусусиятлари касбий компетентлик даражаси билан узвий равишда боғлиқ Маҳоратнинг шаклланиши бир неча босқич асосида юзага келади:

- 1.Репрадуктивлик
2. Ижодийлик.
3. Ижодий новаторлик.

Педагогик маҳорат даражалари педагог иш даражасининг давоми хисобланиб, репродуктив мослашувчан локал (чегараланган) моделлаштиришни ўз ичига олади. Бу даража талабалар билан ўқув тарбиявий ишларнинг айрим йуналишларида юқори сифати билан характерланади. Замонавий тарбиячи ўзини идрок қилиш фаолиятини режа асосида юритиш, ўзини бошқариш, нутқини тарбиялаш, методик ва коммуникатив тайергарлик ва педагогик ўзаро муносабатларда ўзини намоён этиш маҳоратини эгаллаган бўлиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Андиради.И.П. “Основы педагогического мастерства: учеб.пособие для студ.сред.пед.учеб заведений. М.: «Академия» 1999. Стр 160.
3. Азизходжаева.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Низомий номидаги ТДПУ.2003 стр-175
4. Якушева.С.Д Основы педагогического мастерства: учебник 3-е издание «академия» 2010 г стр- 256.